"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Хатирчи ТЙФУК директори
__________ И.Мухаммадиев
"____"______________2022 йил
М.Ў

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хатирчи -2022

## Танлов хужжатларининг мазмуни

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
**II. Техник қисм**
**III. Нархлар қисми**

Scanned with CamScanner

**НИЗОМГА**
**3-ИЛОВА**

**Хатирчи туман ЙФУК томонидан бажарилаётган йўл қурилиш, ва бошқа объектларда бажариладиган ишлар учун махсус транспорт ва транспорт воситалари хизмати курсатиш**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Scanned with CamScanner

# ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ЙЎРИҚНОМАСИ

Ушбу танлов хужжатлари "Давлат харитлари туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февральдаги ПҚ3550-сон қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Хатирчи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасида бажарилаётган йўл қурилиш, ва бошқа объектларда бажариладиган ишлар учун махсус транспорт воситалари хизмати курсатиш.**

1 .1. Танлов охирги киймати **100 000 000(Бир юз миллион) сум** . Ушбу кийматдан ортиқ қиймат қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.
1.2. Иш хизмат буйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган. **Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзолантан кундан бошлаб 31.12.2022 йилгача.
1.4 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **"Хатирчи туман йулллардан фойдаланиш унитар корхонаси"** (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.
"Буюртмачи" манзили:, Навоий вилояти Хатирчи тумани Янгирабод шахар А.Яссавий-76
2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:
танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнннинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасндан фукаролик-муомала хукукнй лаёкат ва ваколатлар,танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлигщуз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда); Низом маблаги микдори.
3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.
3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бнрига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.
4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.
4.3. танлов хужжатларида куйдагилар такдим этилиши лозим: • Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб

Scanned with CamScanner

тасдикланган холда такдим этишлари лозим.
4.4. К,уйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади: Техник ва куйидаги таклифлар: • Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда; • Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);
4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш. еки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.
5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар
6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.
6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.
7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.
7.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.
7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.
7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

Scanned with CamScanner